

## 2 – масала

**“Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йилнинг 12 майдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 4/4-сонли Ҳайъат Қарорининг ижроси бўйича институтда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молиявий хатоликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 28 май 9/1 сонли қарори**

Илмий кенгаш “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йилнинг 12 майдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 4/4-сонли Ҳайъат Қарорининг ижроси бўйича институтда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молиявий хатоликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида”ги масала юзасидан Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов**нинг ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Тергов бошқармасининг 2015 йил 24-апрелдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида”ги 3/2813 сон Тақдимномасига кўра 2013 йил январ ойидан ҳозирги кунга қадар Тошкент молия институтида молиявий – иқтисодий ишлар бўйича проректор лавозимида ишловчи Қурбанбаев Журабек Эрувбоевич, мансабдор шахс бўла туриб, ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21-ноябр кундаги 456-сонли “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори талабларига зид равишда 178482665 сўм миқдордаг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан давлат манфъатларига зарар келтирган. (Компьютерлар сотиб олишда нархлар ўзгартириб келтирилган натижасида).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2015 йил 18 апрелдаги 15/2-15-сонли Тақдимномасида келтирилган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чора - тадбирлари бўйича институтда қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- Режа – молия бўлими томонидан институтда ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда (лавозимда) ишловчи ходимларнинг рўйхати тақдим этилиб, бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор Ф.Мухтаров томонидан ўрганилиб чиқиб хулосалар берилган.
- Институтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелда бош вазир раҳбарлигида ўтказилган 1-сон мажлис баёни 2015 йил 1-майдаги 07/1-5800-сонли топшириғини бажариш учун институт ректорининг 15.05.2015 йилдаги 127-у-сонли буйруғи чиқарилган.
- 2014 йилда 18 ташкилот ва жисмоний шахслар билан ижара шартномаси тузилган. Ижарага берилган умумий майдони 1850 м<sup>2</sup> га тенг. Ижара шартномалари 3 томонлама, яъни давлат мулкни ижарага бериш қўмитаси, ижарага олувчи ва институт иштирокида тузилган. Ижарага берилган майдонлар 2015 йил январ ойида бухгалтерия ва институтнинг муҳандислари томонидан қайта ўлчовдан ўтказилди. Ўлчов натижасида фарқ аниқланмади. Ижара тўловлари ва ижарачилар томонидан сарфланаётган коммунал хизматлар ҳақи ундириб олинмоқда.
- Ҳар йили қора ва рангли металл чиқиндиси ҳамда мақалатура топшириш йиллик режалари бажариб келинмоқда. Топширилган чиқиндилар учун пул маблағлари қисман пул ва товар кўринишида олинган. 2015 йил учун ҳали ундирилмаган.
- Ҳар йили октябр-декабр ойларида институтда моддий қийматликлар инвентаризациядан ўтказилади. Инвентаризация натижалари муҳокама қилиниб моддий жавобгар шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.
- Институтда иш ҳақини ҳисоблашда табел тизими йўлга қўйилган.
- Институтда 2014 йилда амалга оширилган капитал таъмирлаш ишлари бўйича инжиниринг компанияси иштирокида қайта ўлчовдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар пудратчи ташкилотлар томонидан бартараф этилди.

Мавжуд камчиликлар:

- Институтда табелларни кеч топшириш, нотўғри тўлдиришлар ёки умуман топширмаслик ҳолатлари бўлмоқда.
  - Ижарачилардан фойдаланилган коммунал тўловлари бўйича ундирилмаган қарздорликлар мавжуд.
  - Талабалар турар жойида яшаш пуллик бўлиб, бугунги кунда яшовчи талабалардан:
    - 2013 – 14 ўқув йили учун 5016600 сўм
    - 2014-2015 ўқув йили учун 31067500 сўм қарздорлик мавжуд.
    - 1031 тартиб бўйича иш ҳақидан ушланиб коммунал тўловлар учун ўтказиладиган маблағлардан иш ҳақидан ушланмасдан ўтказилган маблағлар мавжуд.
- Ушбу юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда камчиликларни эътиборга олган ҳолда,

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йилнинг 12 майдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 4/4-сонли Ҳайъат Қарорининг ижроси бўйича институтда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молиявий хатоликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида”ги масала юзасидан Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ушбу ҳайъат қарори барча кафедраларда ва факультетларнинг навбатдаги кенгашларида атрофлича муҳокама қилинсин ва чора тадбирлар ишлаб чиқилсин. **Маъсуллар:** факультет деканлари ва кафедра мудирлари.
3. Бир ҳафта муддат ичида камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва унинг амалга оширилиши таъминлансин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Абдусаматов**.
4. Институтда амалга оширилган капитал таъмирлаш ишлари бўйича Инжиниринг компанияси иштирокида қайта ўлчовдан ўтказилсин ва пудратчи ташкилотлар қилган хатолар ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилсин. **Маъсуллар:** Бош муҳандис **Н.Имамов**. **Муддат:** 10 кун.
5. Молиявий тартиб бузарликларни олдини олиш мақсадида бир ой муддатда институтда ички аудит ташкил этилиб натижаси бўйича Вазирликга маълумот тақдим қилиб борилсин. **Маъсуллар:** Бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор **Ф.Мухтаров**.
6. Институтнинг Ахборот–ресурс маркази фондини тўлдириш учун харид этилган китоб ва журналларнинг тўғри кирим қилинганлиги текширувдан ўтказилсин. **Маъсуллар:** Институт АРМ директори **Д.Маматқулова**. **муддат:** 15 кун.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

### 3 – масала

#### “2014-2015 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 23 апрел 8/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “2014-2015 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2014-2015 ўқув йилининг кузги семестрида ўқув жараёнида назоратни ташкил этиш, якуний назоратларни холисона, адолатли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли буйруғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи ҳамда институт ректорининг 2010 йил 6-сентябрдаги 93-у сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низоми асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги № 2-П ва 43-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ ҳар бир ўқув йилида институт талабаларига стипендиялар тайинлаш бўйича Стипендия комиссияси таркиби тузилган бўлиб, Стипендия комиссия аъзолари йиғилишлари ўтказилиб семестр натижаларига кўра талабаларга стипендия тайинланди.

Институт талабаларининг 2014-2015 ўқув йили кузги семестр якунлари бўйича қайта топширишларсиз ўзлаштириш кўрсаткичларини факультетлар кесимида тахлил қилганимизда қуйидагича бўлди.

№	Факультет номи	Умумий талабалар сони	Қайта топширишларсиз ўзлаштириш кўрсаткич						Қайта топширишлардан сўнг ўзлаштириш кўрсаткич			
			Фанларни баллар кесимида ўзлаштириш бўйича талабалар сони:				Умумий ўзлаштирган талабалар сони:		Ўзлаштирган талабалар сони:		Талабалар сафидан четлаштирилганлар	
			86-100 балла	71-85 балла	55-70 балла	54-баллдан past балл тўплаганлар	сонда	фоизда	сонда	фоизда	сонда	фоизда
1	Архитектура	1128	140	323	462	203	<b>925</b>	82 %	199	17.6%	<b>4</b>	0.4%
2	Курилиш	1302	32	177	540	553	<b>749</b>	57.5 %	533	41.0%	<b>20</b>	1.5%
3	Курилишни бошқариш	484	42	88	192	162	<b>322</b>	66.5 %	159	32.9%	<b>3</b>	0.6%
4	Мухандислик коммуникациялари курилиши	844	65	205	352	222	<b>622</b>	74 %	217	25.7%	<b>5</b>	0.6%
<b>Жами талабалар</b>		<b>3758</b>	<b>279</b>	<b>793</b>	<b>1546</b>	<b>1140</b>	<b>2618</b>	69.7 %	1108	29.5%	<b>32</b>	0.8%
5	Магистратура	121	26	41	24	30	<b>91</b>	75 %	30	24.8	<b>0</b>	0
<b>институт бўйича жами</b>		<b>3879</b>	<b>305</b>	<b>834</b>	<b>1570</b>	<b>1170</b>	<b>2709</b>	<b>69.9 %</b>	<b>1138</b>	<b>29.3%</b>	<b>32</b>	<b>0.8%</b>

Кузги семестр якуни бўйича асосий статистик кўрсаткичлар институт бўйича қуйидаги жадвалда келтирилган.

Институт бўйича узлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича:

Т/р	Таққослаш шакли	2013/2014 ҳамда 2014/2015 ўқув йили кузги семестрларнинг таққосланиши		Изох
		2013-2014	2014/2015	
	86<R<100, балл тўплаганлар	10.7	7.5	-3.2

	сони			
	71<R<85 балл тўплаганлар сони	24.6	21.1	-3.5
	Факат 55 < балл тўплаганлар сони	63.6	70.6	+7.0
	Умумий ўзлаштириш	<b>98.9</b>	<b>99.2</b>	<b>+0.3</b>

Кузги семестр натижалари тахлил қилинганда, Қайта топширишларсиз асосий қайдномаларда айрим фанлар бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан паст ўзлаштириш кўрсаткичлари берилганлиги қайд этилди.

Институтда талабалар давоматини назорат қилишнинг қуйидаги механизми жорий этилган: профессор-ўқитувчилар томонидан гуруҳ журналларида акс эттирилган талабалар давомати доимий равишда текширилиб, тахлил этиб борилади. Дарс машғулотларида иштирок этмаган талабалар бўйича маълумотлар тўпланиб, аниқланган сабабларга қараб чора-тадбирлар кўлами белгилаб олинади. Ундан ташқари, кундалик давомат институт ўқув бўлими диспетчерлари томонидан ўрганиб келинган маълумотлар ўқув ишлари бўйича проректор томонидан факультет деканларига ўрганиш ва тахлил қилиш учун йўлланмоқда. Лекин бу ишлар факультет деканлари томонидан суст равишда амалга оширилмоқда.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### Илмий кенгаш қарор қилади

1. “**2014-2015 ўқув йили бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр якунлари ҳақида**”ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашев**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Кузги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши ва давомати (давомати паст бўлган талабалар) барча факультетлар илмий кенгашларида кўриб чиқилсин ва таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилансин. **Маъсуллар: Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. Муддати: 2015 йил 1 майгача.**
3. Талабаларга жорий, оралиқ назорат турларидан тўплаган баллари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида ўтказилиши ва рейтинг ойнасида ёритиб борилиши тўлиқ таъминлансин ва назоратга олинсин. **Маъсуллар: Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва фан ўқитувчилари. Муддати: Семестр бўйича тасдиқланган жадвал асосида.**
4. Талабаларнинг давомати, ўзлаштириши ҳамда талабаларнинг дарсга келиб кетишларини каттик назоратга олинсин ва уларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қайтадан ишлаб чиқилсин. **Маъсуллар: Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва гуруҳ мураббийлари. Муддат: 2015 йил 25 апрелгача.**
5. Архитектура ва қурилиш ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш мақсадида архитектура ҳамда қурилиш йўналишида тахсил олаётган талабаларга диплом лойиҳалари мавзуларини етакчи архитектура ва қурилиш ташкилотларининг реал буюртмалари асосида бажаришлари йўлга қўйилсин. **Маъсуллар: Архитектура факультет декани, мутахассис кафедра мудирлари. Муддат: Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида**
6. Ушбу қарор ижросининг назорати ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

#### 4 – масала

**“Институтни ривожлантиришни жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 23 апрел 7/2 сонли қарори**

Илмий кенгаш “Институтни ривожлантиришни жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматовнинг** ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2014 йил давомида бюджет маблағлари ҳисобидан **7 млрд 580 млн сўм** молиялаштирилди. 2014 йил давомида бюджетдан ташқари тушумлар асосини талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқишдан тушган маблағлар **11 млрд 749,0 млн сўм**ни ташкил этди. Шунингдек, ўтган йил давомида тадбиркорлик асосида **195,0 млн сўм** маблағ ишлаб топилди.

Институтнинг 1-ўқув-лаборатория биносида “Кнауф Гипс Бухоро” фирмасининг маслаҳат маркази ташкил этилди. Фирма томонидан хомийлик ёрдами кўринишида жами **50,0 млн сўм**лик қурилиш материаллари ва бошқа жихозлар берилди.

1-талабалар турар жойи биноси ертуласининг канализация тизими капитал таъмирланди. Ушбу ишлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан **20,0 млн сўм** маблағ сарфланди.

1-талабалар турар жойи биноси худудида жойлашган 3-ташқи хожатхона капитал таъмирланди ва бу ишлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан **30,0 млн сўм** маблағ сарфланди.

Архитектура факультети ўқув биносидаги иссиқлик тизими капитал таъмирланди ва ички эшиклари алмаштирилди. Ушбу ишлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан **80,0 млн сўм** маблағ ажратилди.

Фаоллар зали биносининг кичик залида ва чоп этиш цехида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу ишлар учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан **80,0 млн сўм** маблағ сарфланди.

Табиий офат туфайли шикастланган “Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси” томи капитал таъмирланди. Капитал таъмирлаш ишлари учун **23,9 млн сўм** сарфланди.

Капитал таъмирланаётган 2-талабалар турар жойи биносини жихозлаш учун **10,2 млн сўм**лик 16 дона газ плитаси ва **37,2 млн сўм**лик юмшоқ инвентарлар, **17,5 млн сўм**лик ковролен ва гиламлар, **9,0 млн сўм**лик 6 дона музлатгич **4,5 млн сўм**лик 4 дона телевизор ва **330,0 млн сўм**дан ортиқроқ маблағга ётоқхона ва ўқув мебеллари сотиб олинди

Булардан ташқари **4,7 млн сўм**га фаоллар зали учун мусиқа асбоблари сотиб олинди.

Институтнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, дебитор ва кредитор қарзлар миқдорини ҳамда муддатларини назоратини олиб бориш, иш ҳақи ва стипендия тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ишларини давом эттириб, **2015 йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади:**

Архитектура факультети ўқув биносининг 1-қаватини капитал таъмирлаш. Ушбу мақсадлар учун **180,0 млн сўм** маблағ ажратиш;

Фаоллар зали биносининг катта мажлислар залини капитал таъмирлаш. Ушбу мақсадлар учун **80,0 млн сўм** маблағ ажратиш;

2-талабалар турар жойи биноси учун мебеллар харид этиш. Ушбу мақсадлар учун **75,0 млн сўм** ажратиш;

**11,0 млн сўм**лик спорт инвентарлари сотиб олиш;

**50,0 млн сўм**лик юмшоқ инвентарлар сотиб олиш режалаштирилмоқда.

1-талабалар турар жойи биноси худудида жойлашган 3-ташқи хожатхона атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш режалаштирилмоқда.

Институт худудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини давом эттириш

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. “Институтни ривожлантиришни жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматовнинг** ҳисоботи тасдиқлансин ва ижобий баҳолансин.
2. Институтнинг 2015 йил учун тузилган ривожлантириш режаси тасдиқлансин ва ундаги вазифалар тўлалигича амалга оширилсин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор ва бош муҳандис. **Муддати:** Йил давомида
3. 2015 йилда режалаштирилган харажатларни тўлиқ молиялаштириш мақсадида тўлов-контракт маблағлари тўлиқ ва белгиланган муддатларда ундириб олинсин. **Маъсуллар:** Маркетинг хизмати бўлими бошлиғи ва факультет деканлари. **Муддати:** Йил давомида.
4. Навбатдаги 2015-2016 йилги куз-қиш мавсумини муоммосиз ўтказиш учун амалга ошириладиган ишлар режасини тузилсин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор ва бош муҳандис. **Муддати:** 2015 йил сентябр ойигача.
5. Коммунал хизматлар сарфи устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин. Ортиқча сарфланишларга йўл қўйилмасин. **Масъул:** Бош муҳандис. **Муддати:** Йил давомида.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковга** берилди.

**Институт миқёсида ўтказилган талабалар Республика фан олимпиадасининг I босқич натижалари ҳақида.**

### Эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 7 апрелдаги 123-сонли буйруғи (1-илоvasи) билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисидаги Низоми”га мувофиқ институтда 2015 йил 10-20 апрел кунлари Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадасининг 1-босқичи ўтказилди.

Талабалар Республика фан олимпиадасининг I босқичини талаб даражасида юқори савияда ўтказиш мақсадида институт ректори раислигида профессор-ўқитувчилар **14 кишидан иборат** институт проректорлари, факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар, бўлим бошлиқлари ва ходимлардан иборат ташкилий қўмита тузилди. Ташкилий қўмита раиси институт ректори С.И.Ахмедов ташкилий қўмитанинг барча аъзолари билан суҳбат ўтказиб, олимпиадани юқори савияда ташкил этиш, унинг оммавийлигини таъминлаш ва унда ижобий натижаларга эришиш йўлларини белгилаб берди.

Институтнинг барча факультетларда масъул ходимлар тайинланиб, уларга олимпиадани юксак даражада ўтказишни таъминлаш ва назорат қилиш вазифалари юклатилди. Институтнинг барча таълим йўналишлари бўйича белгиланган муддатда режалаштирилган тадбирлар ўтказилди. Талабалар Республика фан олимпиадаси I босқичи қуйидаги ўқув фанлари ва таълим йўналишлари бўйича ўтказилди: архитектура, дизайн, қурилиш материаллари ва конструкциялари, материаллар қаршилиги, назарий механика, муҳандислик компьютер графикаси, чизма геометрия ва чизмачилик, иссиқлик газ таъминоти ва вентиляция тизимлари, математика, физика, касбий таълим, инглиз тили, француз тили ва немис тили.

Олимпиаданинг I босқичида жами **127 нафар** талаба (**102 нафари** ўғиллар, **25 нафари** қизлар) қатнашдилар.

Юқорида санаб ўтилган **14 та** ўқув фанлари ва таълим йўналишлари бўйича ғолиб талабалар аниқланди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

### Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Институт миқёсида ўтказилган талабалар Республика фан олимпиадасининг I босқич натижалари ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Фан олимпиадасининг I босқич натижалари бўйича ғолиб бўлган талабалар (Иловадаги 1-жадвал) фан олимпиадасининг Республика босқичига тавсия этилсин.
3. Узоқ вилоятларда бўлиб ўтадиган фан олимпиадасининг Республика босқичида қатнашувчи талабаларга ва уларнинг раҳбарларига амалий ёрдам берилсин. **Масъул:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор Б.Қ.Абдусаматов.
4. Фан олимпиадасининг Республика босқичида совринли ўринларни қўлга киритиш учун талабалар билан қўшимча машғулотлар олиб борилсин. **Масъуллар:** Кафедра мудирлари ва илмий раҳбарлар.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни давом эттириш учун сўз илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

**I. Монографияни чоп этишга тавсия бериш ҳақида.**

### **Эшитилди:**

“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори **Ш.Ахадов** томонидан тайёрланган **“Хожи Сафои Вали ҳазратларининг маънавий-маърифий фазилатлари, руҳий поклиги, улуғ номлари, васиятлари, замондошлари, шогирдлари, авлод-аждодлари қалбида доимо барҳаётлиги ва унинг ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашдаги роли ҳақида”** номли монографиясини нашрга тавсия бериш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу монографияга Самарқанд вилоят Бош имом хатиби **Н.Исломов**, Халқаро Амир Темур жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори **Қ.Мамараимов** ва СамДАҚИ профессор-ўқитувчиларидан филология фанлари доктори, доцент **У.Санақулов**, профессор **А.С.Уралов**, доцент **А.И.Сафаров**лар томонидан берилган ички ва ташқи тақризлар ҳақида айтиб ўтилди.

### **Илмий кенгаш қарор қилди:**

“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори **Ш.Ахадов** томонидан тайёрланган **“Хожи Сафои Вали ҳазратларининг маънавий-маърифий фазилатлари, руҳий поклиги, улуғ номлари, васиятлари, замондошлари, шогирдлари, авлод-аждодлари қалбида доимо барҳаётлиги ва унинг ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашдаги роли ҳақида”** номли монографиясини нашрга тавсия берилсин.

### **I. Монографияни чоп этишга тавсия бериш ҳақида.**

#### **Эшитилди:**

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси мустақил изланувчиси **С.Н.Садикова** томонидан тайёрланган **“Садово-парковое искусство Бабуридов”** номли монографиясини нашрга тавсия бериш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу монографияга ТАҚИ профессор **Д.А.Нозилов** ва СамДАҚИ профессор **О.М.Салимов**лар томонидан берилган ички ва ташқи тақризлар ҳақида айтиб ўтилди.

### **Илмий кенгаш қарор қилди:**

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси мустақил изланувчиси **С.Н.Садикова** томонидан тайёрланган **“Садово-парковое искусство Бабуридов”** номли монографиясини нашрга тавсия берилсин.

### **I. Ўқув адабиётларини чоп этишга тавсия бериш ҳақида.**

#### **Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов** сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Касб таълими” кафедраси ассистенти **И.Ю.Эгамов** томонидан “Касбий педагогика” фани бўйича тайёрланган **“Касбий педагогика” (1-қисм)** номли ўқув қўлланмаси 5111000 – Касб таълими (5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”) ва 5111000 – Касб таълими (5580400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши”) бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланганлигини гапириб, ўқув қўлланмага Ўзбекистон Республикаси ОваЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий методик марказ раҳбари педагогика фанлари доктори, профессор **У.Ш.Бегимқулов** ҳамда СамДАҚИ маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори педагогика фанлари номзоди, доцент **Ғ.Х.Яхшибоев** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5111000 – Касб таълими (5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”) ва 5111000 – Касб таълими (5580400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши”) бакалаврият таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Касб таълими” кафедраси



ассистенти **И.Ю.Эгамов** томонидан “Касбий педагогика” фани бўйича тайёрланган “**Касбий педагогика**” (1-қисм) номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5111000 – Касб таълими (5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”) ва 5111000 – Касб таълими (5580400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши”) бакалавриат таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.

2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Касб таълими” кафедраси ассистенти **И.Ю.Эгамов** томонидан тайёрланган “**Касбий педагогика**” (1-қисм) номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий ўқув юртлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

## II. Илмий рисола ни чоп этишга тавсия бериш ҳақида.

### Эшитилди:

“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори **Ш.Аҳадов** томонидан тайёрланган “**Мирзо Улуғбек фаолиятининг маънавий фазилатлари ва Абдуллатиф Мирзонинг падаркуш эмаслиги ҳақида**” номли илмий рисоласини чоп этишга тавсия бериш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу рисолага СамИСИ доценти **С.Ҳ.Суюнов** ва СамДАҚИ доцентлари **А.И.Сафаров** ва **А.Мухаммадиев**лар томонидан берилган ички ва ташқи тақризлар ҳақида айтиб ўтилди.

### Илмий кенгаш қарор қилди:

“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори **Ш.Аҳадов** томонидан тайёрланган “**Мирзо Улуғбек фаолиятининг маънавий фазилатлари ва Абдуллатиф Мирзонинг падаркуш эмаслиги ҳақида**” номли илмий рисоласини чоп этишга тавсия берилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов